

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АББОСОВА ИСМИГУЛ АЛИШЕР ҚИЗИ

**КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ВЕГЕТАТИВ ДИСТОНΙΑ
СИНДРОМИ: КЛИНИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Аббосова Исмигул Алишер қизи

Кекса ёшдаги беморларда вегетатив дистония синдроми: клиникаси ва даволаш хусусияти..... 3

Аббосова Исмигул Алишер қизи

Синдром вегетативной дистонии в пожилом возрасте: особенности клиники и лечения..... 23

Abbosova Ismigul Alisher qizi

Vegetative dystonia syndrome in the elderly: clinical features and treatment..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АББОСОВА ИСМИГУЛ АЛИШЕР ҚИЗИ

**КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ВЕГЕТАТИВ ДИСТОНΙΑ
СИНДРОМИ: КЛИНИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib.3353 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назарова Жанна Авзаровна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Уринов Мусо Болтаевич

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Аликулова Нигора Абдукадировна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг “___” _____ 2025 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200126, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Вегетатив дистония синдроми (ВДС) кўпинча ёшларга қўйиладиган асосий касаллик ташҳиси ҳисобланади, кекса кишиларда анча кам аниқланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2020 йил ҳолатига кўра, дунёдаги аҳолиси энг кекса бўлган 25 мамлакат ва ҳудуддан 22 таси Европага тўғри келган.¹ 65 ёшдан катта одамларда клиник лаёқатсизлик ҳолатларининг тахминан 50% неврологик касалликлар билан боғлиқ. ЖССТнинг Европа мамлакатларида 2019 йилда қарийб 525 000 ўлим ҳолати, ёки жами ўлим ҳолатларининг 5,5% ва йўқотилган соғлом ҳаёт йилларининг 10,1% ВДС улушига тўғри келган. Ушбу маълумотларга кўра, 2019 йилда ВДС билан касалланган 394 миллион киши ўз соғлиғида муайян босқичда реабилитация ёрдам бериши мумкин бўлган у ёки бу касаллика эга бўлган. ЖССТнинг Европа мамлакатларида ҳар 100 кишидан 6-10 нафари ногиронлик билан яшайди, ва ушбу рақам қисман аҳолининг кексайиши ва ВДС тарқалиш даражасининг ошиши туфайли ўсиб бормоқда.

Бутун дунёда кексайган чоғда вегетатив дистония синдроми билан касалланган беморларга қарашни ўрганиш ва уларни даволаш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва салмоқли ютуқларга эришилган. Кекса ёшли ва қартайиб қолган одамларда касалликлар кўпинча атипик тарзда кечади, бу беморларнинг ушбу тоифасига ташҳис қўйиш ва уларни даволаш билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқаради. Таъкидлаш жоиз, вегетатив касалликларнинг мақсадли профилактикаси, кекса ёшли ва қартайиб қолган беморларни моҳирона даволаш ва уларнинг комплекс реабилитацияси кўпинча соматик патологиянинг регрессиясида ҳам яхши натижалар беради, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, қариндошларга, атрофдагиларга боғлиқликни камайтириш ва улар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андазалари талабларига мослаштиришга, шу жумладан, кекса ёшлиларда вегетатив дисфункциянинг хавф гуруҳини ажратиб олишга, даволашни мақбуллаштиришга ва реабилитация жараёнига тузатиш киритишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси етита устувор йўналишига мувофиқ “...ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, шунингдек, асаб тизими касалликлари бўлган беморларга юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш...” каби вазифалар белгилаб берилган.² Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, нафақат аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини оширишга, балки кекса ёшли аҳолида вегетатив дисфункцияни эрта ташҳислаш ва даволашга қаратилган тадқиқотларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ЖССТ Европа мамлакатларида реабилитация хизматларига бўлган эҳтиёж. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботи, 2022 йил 6 декабрь

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-60-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон, 2018 йил 07 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармонларида, 2018 йил 30 августдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3925-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон қарорларида, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда вегетатив тонус, вегетатив реактивлик ва вегетатив таъминот кўрсаткичлари ўрганилмоқда (Manfredini R., 2023; Jia Liu, 2024), чунки вегетатив дисфункцияни ташхислаш жуда мураккаб. Дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида ВДС истисно этиш усули билан, яъни турли аъзоларда дастлабки патологиянинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш билан ташхисланади (Aziz Debain, 2023). Вегетатив тартибга солинишнинг дастлабки бузилиш аломатларига эга касаллик ривожланиш эҳтимоли бўлган хавф гуруҳини аниқлаш учун скрининг ёндашувини ишлаб чиқиш клиник шароитда кейинги тузатиш чораларини амалга ошириш учун беморларни саралаб олиш имконини беради (Marigold JRG, 2021).

Тананинг умумий қаршилигини ошириш учун фитотерапия, чиниқтирувчи муолажаларни қўллаш, шу жумладан очиқ ҳавода соғломлаштирувчи югуриш, биологик фаол нуқталарни уқалаш тавсия этилади (Константинов К.В., Колчева Ю.А., 2024). Сув муолажалари ВД синдроми бўлган беморларга салмоқли ижобий таъсир кўрсатади (Константинов К.В., Колчева Ю.А., Скоромец А.П., 2018). ВД синдроми бўлган беморларда гомеостазни нормаллаштириш адекват биоритмларни, хусусан, ухлаш вақти ва миқдорини, озиқ-овқат истеъмолини, иш юкламасини оқилона тақсимлаш қобилиятини тартибга солишни назарда тутати (Атюнина И.В., 2020).

Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлардаги вегетатив тартибга солинишдаги бузилишларни тузатиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган (Арзикулов А.Ш., 2023; Салиев А.С., 2023; Қосимов Д., 2024), аммо кекса ёшлиларда вегетатив дисфункцияни ўрганиш, ташхислаш ва даволаш имкониятлари ўрганилмаган. Беморларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси ривожланишида вегетатив бузилишларнинг тутган ўрнига бағишланган тадқиқот натижалари эълон қилинган (Қодиров Б.С., 2022). Баъзи муаллифларнинг тадқиқотларида вегетатив дистония синдроми бўлган ўспиринларда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг ҳолати перинатал

патологиянинг таъсирига ва гендер фарқларига эътибор қаратилиб ўрганилган, анамнезда перинатал патологияси бўлган ўсмирларда, асосан аёл жинсига мансуб ўсмирларда бронхиал ўтказувчанлик бузилишининг ривожланиш хавфи аниқланган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг ковиддан кейинги даврда (2022-2026) Андижон вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқишга доир илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: кекса беморларда вегетатив дистония синдромини эрта аниқлаш учун ташхислашнинг клиник-неврологик, нейрпсихологик ва нейровизуал усуллари ўз ичига олган комплекс ёндашувнинг самарадорлигини аниқлаш ва такомиллаштирилган терапевтик ёндашувларни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нейровегетатив касалликлари бўлган кекса беморларнинг клиник-неврологик ҳолатини баҳолаш, вегетатив дистония синдромининг ривожланиши ва оғирлашувининг асосий прогностик хавф омилларини аниқлаш;

ВД синдроми беморларда коморбид патологиянинг учраш даражасини қиёсий баҳолашни ўтказиш;

вегетатив дистония синдроми (ВДС) бўлган кекса ёшли беморларнинг ўзига хос нейрпсихологик ва психоэмоционал хусусиятларини ўрганиш;

касалликнинг оғирлиги ва табиатини ақс эттирувчи объектив аломатларни аниқлаш учун ВД синдроми бўлган кекса беморларда электрофизиологик ва нейровизуал параметрларни таққослаш;

нейровегетатив касалликлари бўлган кекса беморларга патогенетик терапия муолажаларини кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида вегетатив дистония синдроми бўлган 130 нафар кекса беморлар, шунингдек, неврологик патологиядан азият чекмаган назорат гуруҳининг 20 нафар аслида соғлом кўнгиллилари олинган.

Тадқиқотнинг предмети махсус нейрпсихологик шкалалар натижаларидан, беморлар ва назорат гуруҳидаги аслида соғлом одамларнинг нейровизуал тадқиқотлари маълумотларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда ВД синдромини ташхислаш ва даволашнинг ўзига хос хусусиятларини мақбуллаштириш учун клиник-неврологик, нейрпсихологик, нейровизуал ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кекса ёшли беморларда ВДС касаллиги ривожланишида асосий хавф омилли хисобланган коморбидлик индексини салбий прогностик омил эканлиги асосланган;

ВДСга чалинган кекса ёшли беморларда мослашувчан- тартибига солувчи регулятор механизмларни ўзига хос хусусиятлари исботланган;

клиник-неврологик, электрофизиологик, доплеро-график ва магнит-резонанс усуллари ўз ичига олувчи ВД синдроми бўлган кекса беморларни

текширишнинг ташҳис қўйишдаги аҳамияти ва комплекс мезонлари исботланган;

кекса ёшдаги ВДС мавжуд беморларни асоратларнинг яққоллигини камайтириш ва касалликнинг ривожланиш тезлигини секинлаштириш учун комплекс патогенетик терапияга биоакустик коррекция усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

клиник-неврологик, нейропсихологик ва нейровизуал тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда кекса беморларда ВДС ривожланишининг асосий хавф омиллари, шу жумладан, жинс, коморбидлик индекси ва когнитив бузилишнинг таъсири аниқланган;

клиник, инструментал (электрофизиология, доплерография, МРТ) ва нейропсихологик тадқиқот усуллари ўз ичига олган ҳамда комплекс ёндашувга асосланган кекса беморларда ВДСни эрта ташҳислаш усули ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган;

патогенетик терапия сифатида биоакустик коррекциядан фойдаланишни ўз ичига олувчи ВД синдроми бўлган кекса беморларга қараш мезони ишлаб чиқилган, бу касалликнинг клиник тузилиши ва оғирлигини ҳисобга олган ҳолда даволашга яққол тартибда ёндашишга ёрдам беради.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалларнинг тўғри танланиши, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, комплекс ёндашувнинг аҳамиятини аниқлашда бири иккинчисини ташҳислаш ва даволаш усуллари билан тўлдирувчи клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуал ва статистик тадқиқот усулларининг ҳолислиги, ҳорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг таққосланганлиги, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ВД синдроми бўлган беморларда клиник, нейропсихологик, нейровизуал тадқиқот усуллари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда модификацияланган терапиядан фойдаланиш заруратидан иборат бўлиб, бу вегетатив дисфункцияни тиклашни тезлаштириш, асоратлар сонини камайтириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ВД синдроми бўлган кекса беморларни самарали даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш шифокор-неврологларга касалликнинг барча босқичларида даволаш тактикаси бўйича қарор қабул қилишга, тиббий ёрдам тури ва ҳажмини асосли танлашга, фанлараро ўзаро алоқаларни амалга оширишга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беришидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Андижон Давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 31 майдаги №61-24/у-сонли хатига кўра қўйидаги илмий янгилик ва самарадорликларга эришилган:

биринчи илмий янгилик: кекса ёшли беморларда ВДС касаллиги ривожланишида асосий хавф омиллари ҳисобланган коморбидлик индексини салбий прогностик омил эканлиги асосланган. *Ижтимоий самарадорлиги.* кекса ёшдаги ВДС касаллигининг ривожланиши учун ноқулай прогностик омилларни аниқлаш касалликни эрта босқичда аниқлаш, беморларнинг соғлигини тиклаш

ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Касаллик кечишини эрта прогноз қилиш ва шунга мувофиқ даво чораларини олиб бориш, ўртача стационар даво кунларини қисқартириши натижасида ҳамда оғир асоратларни олдини олиш натижасида 1240000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Кекса ёшдаги ВДС касаллиги ривожланишининг ноқулай прогностик омилларини асословчи таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт комиссияси томонидан 2023 йил 31 майда бi-24/и сон билан тасдиқланган «Кекса ёшдаги беморларда нейровегетатив бошқаришнинг бузилишларини ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган. Ушбу таклиф Андижон шаҳар марказий поликлиникасининг 22.06.2023 йилдаги 16-сонли ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 12.07.2023 йилдаги 27-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Андижон давлат тиббиёт институти Экспертлар кенгашининг 2023 йил 30 сентябрдаги бi-25/х-сонли хулосаси).

иккинчи илмий янгилик: ВДСга чалинган кекса ёшли беморларда мослашувчан тартибига солувчи регулятор механизмларни ўзига хос морфофункционал хусусиятлари исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* хусусиятларини аниқлаш натижасида ВДСни эрта босқичда аниқлаш, индивидуал ёндашувни талаб қиладиган даво чораларини тавсия этиш, даволаш самарадорлигини ошириш, касаллик қайталанишини олдини олиш, беморларнинг соғлиғини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятлари яратилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Касаллик кечишини эрта прогноз қилиш ва шунга мувофиқ даво чораларини олиб бориш ўртача стационар даво кунларини қисқартириши натижасида ҳамда оғир асоратларни олдини олиш натижасида 876400 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. *Хулоса:* ВДС мавжуд беморларни комплекс текшириш натижасида кекса ёшда адаптив-регулятор механизмларининг қиёсий хусусиятларини исботлаш бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт комиссияси томонидан 2023 йил 31 майда бi-24/и сон билан тасдиқланган «Кекса ёшдаги беморларда нейровегетатив бошқаришнинг бузилишларини ташхислаш усули» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган. Ушбу таклиф Андижон шаҳар марказий поликлиникасининг 22.06.2023 йилдаги 16-сонли ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 12.07.2023 йилдаги 27-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган

учинчи илмий янгилик: клиник-неврологик, электрофизиологик, доплеро-график ва магнит-резонанс усулларини ўз ичига олувчи ВД синдроми бўлган кекса беморларни текширишнинг ташхис қўйишдаги аҳамияти ва комплекс мезонлари исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усул касалликнинг эрта босқичларида ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг қайталанишини олдини олиш, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятларини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Касаллик кечишини эрта прогноз қилиш ва шунга мувофиқ даво чораларини олиб бориш ўртача стационар даво кунларини қисқартириши натижасида ҳамда оғир асоратларни олдини олиш натижасида 1120612 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади

тўртинчи илмий янгилик: кекса ёшдаги ВДС мавжуд беморларни асоратларнинг яққоллигини камайтириш ва касалликнинг ривожланиш

тезлигини секинлаштириш учун комплекс патогенетик терапияга биоакустик коррексия усули ишлаб чиқилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* анъанавий даволаш билан биргаликда БАК-терапия усулини қўллаш асоратлар сонини камайтириш, касалликнинг қайталанишини олдини олиш, беморларнинг соғлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* касаллик кечишини эрта прогноз қилиш ва шунга мувофиқ даво чораларини олиб бориш ўртача стационар даво кунларини қисқартириши натижасида ҳамда оғир асоратларни олдини олиш натижасида 1240000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. *Хулоса:* Аббосова Исмигул Алишер кизининг «Кекса ёшли беморларда вегетатив дистония синдроми: клиникаси ва даволаш хусусиятлари» мавзусида илмий янгиликларни соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон Давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 31 майдаги №би-24/у-сонли хати юборилган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 октябрдаги 8-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи буйича хулоса олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 4 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги очиб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари ҳам тизимли равишда баён этилган. Ушбу қисмда тадқиқотнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш ҳамда нашр этиш, шунингдек, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг “Кексаларда вегетатив дистония синдромининг замонавий жиҳатлари” дея номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Таҳлилда касаллик ривожланишининг физиологик жиҳатлари, вегетатив дистония синдромининг замонавий тушунчалари таҳлил қилинган. Вегетатив дистония синдроми бўлган кекса беморларнинг мослашувчан ва захира имкониятлари ёритилган.

Диссертациянинг “Вегетатив дистония синдромининг клиник-неврологик ва нейровизуал хусусиятларини баҳолаш учун материаллар ва тадқиқот


усуллари” дея номланган иккинчи бобида тадқиқот тузилиши ва услубий ёндашувлар тавсифланган. Тадқиқот давомида 130 нафар танлаб олинган кекса беморлар қўшиш ва чиқариш мезони асосида текширилди ва иккита тегишли гуруҳга бўлинди: I гуруҳни 72 нафар (55,26%) симпатикотонияга эга бўлган беморлар ташкил қилди, II гуруҳни 58 нафар (44,74%) ваготонияга эга беморлар ташкил қилди. Назорат гуруҳини (НГ) жинси ва ёши бўйича таққосланадиган 20 нафар аслида соғлом бўлган одамлар ташкил қилди. I гуруҳдагиларнинг ўртача ёши $68,3 \pm 3,9$ ёшни, II гуруҳдагиларнинг ўртача ёши $64,1 \pm 4,5$ ёшни ташкил қилди. Текширилган беморлар орасида симпатикотонияга эга бўлган шахслар кўпроқ эди - 56,1%.

Стандарт клиник-неврологик ва соматик текширув ўтказилди. Ишда Чарлсон коморбидлик индекси (Charlson Index); кундалик ҳаётда фаолликни аниқлаш (Barthel индекси); 4 метрга юриш тести; йиқилиб тушиш хавфини ўзи баҳолаш шкаласи саволномаси; панжа динамометрияси индекси (ПДИ) тадқиқот усуллари қўлланилди. Тадқиқотнинг инструментал усуллари: (ЭКГ, ЭхоКГ, КИГ, бош ва бўйин томирларининг ультратовушли доплерографияси, бош миянинг МРТси). Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш STATISTICA v.10 ва MS Excel-2019 дастурларида амалга оширилди.

Диссертациянинг “Вегетатив дистония синдроми бўлган кекса беморларнинг клиник хусусиятлари” дея номланган учинчи бобида текширилаётган гуруҳлардаги клиник-неврологик тадқиқотлар хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш амалга оширилган. Касаллик тарихида реакциянинг ваготоник тури устун бўлган кекса одамлар ўртасида ўтказилган тадқиқотда эндокрин тизимдаги бузилишлар бошқа гуруҳларга қараганда 50% кўпроқ ($p < 0,05$ статистик аҳамият билан) учраши аниқланди. Шунингдек ошқозон-ичак йўлида тез-тез учраб турадиган функционал бузилишлар ҳам аниқланди. Бошқа томондан, вегетатив реакциянинг симпатикотоник тури устун бўлган кекса одамларда юрак-қон томир тизимининг ишлаши, шу жумладан экстрасистолия, тахикардия билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, марказий асаб тизимининг ишида енгил бузилишлар ва микросимптоматика билан тавсифланган неврологик мақомдаги ўзгаришлар кўпроқ кузатилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўрсатилган синдромлар вегетатив реактивликнинг (ВР) симпатикотоник турида ва артериал гипертензияда (АГ) анча кўпроқ аниқланади. I тадқиқот гуруҳида Т-тишча амплитудасининг ортиши билан намоён бўлган электрокардиографик ўзгаришлар 10,2% ҳолатда, II тадқиқот гуруҳида эса 6,2% ҳолатда аниқланган; I гуруҳдаги беморларнинг 10,2 фоизида, II гуруҳдаги беморларнинг 6,2 фоизида ST сегментининг катталаниши аниқланган; I гуруҳда синусли аритмия 32% ҳолатда аниқланган, II гуруҳда эса камроқ бўлган ва 22,4% ни ташкил этган, қоринча усти экстрасистолияси эса мос равишда 28,4% ва 13,4% ҳолатда аниқланган. II гуруҳда гиподинамия ҳолати (4,3 марта), депрессия (1,5 марта) каби оғир неврологик бузилишлар аломатлари 2,8 марта кўпроқ аниқланган ($p < 0,05$).


Ёндош неврологик касалликларни батафсил таҳлил қилиш жараёнида аёлларда комплекс неврологик дисфункция аломатлари анча кўпроқ кузатилиши аниқланган. Бундай аломатлар орасида 1,7 марта кўпроқ учрайдиган сийдик пуфагининг нейроген дисфункцияси ва учраш даражаси 2,3 мартага ортадиган ваҳима хужумлари алоҳида ажралиб туради, бунда фарқлар статистик аҳамиятли

($p < 0,05$). Гуруҳлар ўртасида ортостатик гипотензия, бошланғич ортостатик гипотензия ва постурал тахикардиянинг учраш даражасида статистик жиҳатдан фарқлар аниқланди. Мазкур феномен II гуруҳда кўпроқ учрайди. ВДС ташхиси қўйилган кекса ёшли беморлар кенг қамровли ёндош патологияларга эга бўлиб, улардан коморбид ҳолатлари эркакларга нисбатан аёлларда аниқ кўпроқ аниқланган. Чарлсон коморбидлик индекси қийматларининг ўзгариши аҳамиятли бўлмади ва эркакларда у 5,0 [4,0; 7,0], аёлларда 6,0 [4,0; 8,0] баллни ташкил қилди, $p = 0,635$ (1-расм).



1-расм. Чарлсон коморбидлик индекси

Кардиореспиратор тестлар, шу жумладан Штанге тести, Скибинская тести ва Руфье тестларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган тадқиқот кекса аҳоли орасида тананинг мослашув имконияти даражасини баҳолашга имкон берди (2-расм).



2-расм. Штанге намунаси, Руфье индекси ва Скибинская индексининг кўрсаткичлари

2-расмдаги маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, II гуруҳ иштирокчилари ўтказилган барча учта тестлар бўйича паст натижаларни кўрсатганлар, бу тана мослашув имкониятларининг мутлақо паст даражасини кўрсатади.


Гуруҳлардаги антропометрик ва функционал кўрсаткичлар қиёсий жиҳатдан 1-жадвалда кўрсатилган. 1-жадвалдаги маълумотларга кўра, айрим антропометрик ва функционал параметрлар бўйича тадқиқот гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланган. Тана вазни индексини аниқлашда II гуруҳ беморларида ортикча тана вазни I тадқиқот гуруҳига нисбатан 10,2% кўпроқ учраши аниқланган ($p < 0,001$).

I гуруҳдаги беморларда панжа динамометрияси параметрларининг қийматлари II гуруҳ беморларига нисбатан 26,7% юқори, $p < 0,001$. I тадқиқот гуруҳида КДИ кўрсаткичлари II гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан 10,7% га юқори ($p = 0,005$).

Гуруҳларда антропометрик ва функционал параметрларни таққослаш


Кўрсаткич	Барча беморлар		I гуруҳ			II гуруҳ		
	r	p	r	p	r	p		
Ёши	-0.401	<0,001	-0.374	<0,000	-0.409	<0,001		
Ўсиш	0.269	<0,001	0,068	0,454	0,026	0.454	0.028	0.675
Тана вазни	0.053	0.3	-0,001	0,992	0,044	0.992	0.046	0.471
ТВИ	-0.098	0.053	-0,042	0,648	0,030	0.648	0.032	0.625
Бел айланаси	-0.063	0.214	-0.011	0.174	-0.013	0.863		
Barthel индекси	0.181	<0,001	0,162	0,074	0,206	0.074	0.208	0.001
Панжа динамометрияси	0.183	<0,001	0,056	0,536	0,104	0.536	0.106	0.089
КДИ	0.117	0.02	0,045	0,618	0,100	0.045	0.102	0.103
Юриш тезлиги	0.126	0.013	0,016	0,861	0,190	0.861	0.192	0.002
Стулдан беш марта туриш тести	-0.139	0.006	-0,088	0,335	-0,192	0.335	-0.194	0.002
Йиқилиб тушиш хавфи	0.018	0.729	0,041	0,655	0,008	0.655	0.01	0.9
Чарлсон коморбидлик индекси	-0.265	<0,001	-0,226	0,012	-0,309	0.012	-0.311	<0,001

Тадқиқот гуруҳлари ўртасида беморларнинг ёши, тана вазни, бел айланаси, Barthel индекси, юриш тезлиги ва стулдан беш марта туриш каби кўрсаткичлар бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади. Беморларнинг ўрганилаётган гуруҳида ҳаёт сифатининг пасайишига таъсир қилувчи асосий омиллар бош оғриғи, бош айланиши ва кулоқлардаги шовқин каби уларнинг кундалик фаоллигини мураккаблаштирувчи аломатлар бўлди. Гамильтон шкаласи (HDRS)дан фойдаланганда, I гуруҳдаги беморлар орасида энгил депрессия (36,7%) мавжудлиги, беморларнинг 63,3%да депрессия йўқлиги аниқланди. I-гуруҳга нисбатан II-гуруҳда депрессияга эга беморлар нисбий сонининг аниқ ошиши кузатилган - кузатувларнинг 53,3% да энгил депрессия ташҳиси қўйилган, ва HDRS субшкаласи бўйича ўрта даражадаги депрессияга эга 30,0%ли беморлар улуши пайдо бўлган (3-расм).




3-расм. ВД синдроми бўлган кекса беморларда HDRS шкаласи бўйича депрессиянинг ифодаланганлик даражасини қиёсий баҳолаш

Тадқиқотда НАМ-А шкаласидан фойдаланган ҳолда вегетатив дистония синдроми бўлган беморларда кексайган чоғда хавотирланиш даражасини баҳолаш амалга оширилди. Натижалар тадқиқот гуруҳлари ўртасидаги хавотирланиш даражасидаги фарқларни кўрсатди. Натижалар шуни кўрсатадики, хавотирланиш касаллиги иккинчи гуруҳга нисбатан биринчи гуруҳда яққолроқ ифодаланган (4-расм).



4-расм. ВД синдроми бўлган кекса беморларда НАМ-А шкаласи бўйича хавотирланиш ҳолатини баҳолаш

I гуруҳда когнитив мақом норманинг ёшга боғлиқ стандарт кўрсаткичларининг оғиш доирасида эди, аммо шунга қарамай, яширин когнитив бузилишлар кузатилди. II гуруҳда яққол ифодаланган когнитив бузилишлар аниқланди. Фронтал дисфункция тестлари тўпламидан фойдаланиш ва MMSE шкаласи бўйича баҳолаш ваготонияни бошдан кечираётган беморларда математик вазифаларни бажариш билан боғлиқ муаммолар юзага келганлигини, шунингдек, тезкор оғзаки жавоб беришда, шу жумладан маълум вақт ичида маълум бир ҳарф билан бошланадиган сўзларни эслаб қолиш ва тадқиқотчи кўрсатмаси бўйича 3 та аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигини бажаришда қийинчиликлар кузатилганлигини аниқлаб берди, бу динамик праксис билан боғлиқ муаммолар ҳақида далолат беради. Соат чизиш тести ҳам ушбу гуруҳ иштирокчилари орасида соат милларини жойлаштиришда хатоларни кўрсатди. Ўтказилган тестлар 5-расмда кўрсатилганидек, II гуруҳда ўрта даражадаги когнитив бузилишлар мавжудлигини тасдиқлади.



5-расм. Кекса беморларда шкалалар натижалари, баллар

Ўрганиш шуни кўрсатдики, вегетатив тартибга солиниш билан боғлиқ муаммолар кекса одамларнинг 90,9%да учрайди, шу билан бирга бундай касалликлар кўпинча аёлларда (58,7%) учрайди. Беморларнинг ушбу тоифаси орасида аниқланган вегетатив асаб тизими симпатик қисмининг кучли фаоллиги тенденцияси алоҳида эътиборга молик, бу танадаги мослашув жараёнлари бузилиш хавфининг юқори даражасини кўрсатиши мумкин. Юрак ритмини тартибга солиш қобилиятининг чуқур таҳлили кекса авлодда, айниқса аёллар орасида стресс реакцияларининг кўплигини тасдиқлади, бу жиддий асоратларни, шу жумладан юрак бўлмаси фибрилляциясини ва КОГни олдини олиш учун профилактика чораларини жорий этиш заруратини таъкидлайди. Юрак-қон томир тизимининг эҳтимолий касалликларини самарали олдини олиш ва ўз вақтида ташхислашни таъминлаш учун кекса одамларда вегетатив мувозанатни баҳолашга қаратилган махсус функционал тестлар ва синовларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг “Вегетатив дистония синдроми бўлган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш усулини ишлаб чиқиш” дея номланган тўртинчи бобида беморларни инструментал текшириш натижалари, вегетатив дистония синдроми бўлган беморларга ташхис қўйиш усуллари, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларни даволаш усулини такомиллаштириш чора-тадбирлари келтирилган. ВД синдроми бўлган кекса беморларда тизимли гемодинамиканинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадида ўртача артериал қон босими (ЎАҚБ), юрак қисқариши частотаси (ЮҚЧ), юрак зарби ҳажми (ЮЗХ), юрак қон ҳайдаши (ЮҚХ) ва юрак индекси (ЮИ) динамикасини ўрганиб чиқдик. Тизимли гемодинамиканинг асосий кўрсаткичлари стандарт формулалар бўйича ҳисоблаб чиқилган.

Барча беморларда тизимли гемодинамиканинг асосий кўрсаткичлари бўйича гуруҳлараро фарқлар 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

ВД синдроми бўлган кекса беморларда тизимли гемодинамика кўрсаткичлари

Кўрсаткич	I гуруҳ	II гуруҳ
ЎАҚБ (сим. уст.мм)	151,8±3,6	103,7±5,1*
ЮҚЧ (дак/зарб)	90,4±21	69,5±2,7 *
ЧҚХФ (мл)	50,1±2,2	56,06±2
ЮИ (л/дак/кв.м)	1,71±0,13	1,79±0,11*

Изох: *- қиймат гуруҳлар ўртасида аниқ ($p < 0,05$).

I гуруҳ беморларида ЎАҚБ даражасининг II гуруҳдаги беморлар ЎАҚБ даражасига нисбатан ошиши қайд этилди, ушбу кўрсаткич сим.уст 103,7±5,1 мм ни ташкил этди. II гуруҳдаги беморларда тизимли гемодинамиканинг ҳисобланган кўрсаткичлари (ЮЗХ, ХФ, ЮИ) физиологик меъёрдан анча пастлиги ва ТГ беморларида қайд этилган кўрсаткичлардан пастлиги қайд этилди. Бу симпатикотонияда қон айланиш тизимининг гиподинамик реакцияси шаклланишини акс эттирди. I гуруҳдаги беморларда ЮИ нинг ўртача катталиги 1,71 л / дак / м² дан кам эди. Шу тарзда, гемодинамик заҳиранинг пасайиши ва

адаптив потенциалнинг камайиши кузатилди (2-жадвал).


Бош ва бўйин томирларини УТДГ текшируви натижаларига кўра, ВД синдроми бўлган кекса беморларнинг иккала гуруҳида веноз қон оқими бузилишининг устунлиги билан мия гемодинамикасининг яққол бузилиши қайд этилган, кўпинча ушбу ҳолат ўпка патологияси шароитида ривожланган. Шу билан бирга, мия қон айланишининг пасайиши ва уйқу артерияси орқали мияга келадиган қон оқимининг пасайиши томирларнинг окклюзив атеросклеротик зарарланиши билан боғлиқ эмас. Бош миянинг МРТ текшируви натижасида текширилган беморларнинг 72,3% да (130 нафардан бемордан 94 нафарида) бош мия тўқималарининг фокал патологиялари аниқланган. Беморларнинг учдан бир қисмида (33,1%) ўчоқли зарарланишлар, асосан кичик чуқур инфарктлар кузатилган. 23 нафар (17,6%) беморда кичик ўчоқли ўзгаришлар ўрта ўлчамдаги зарарланишлар билан бирга қўшилиб кетган ва 9 нафар беморда бошдан кечирилган цереброваскуляр хужумларга мос келадиган лакунар зарарланишлар аниқланган. 17 нафар беморда кичик ўчоқли ўзгаришлар мия қобиғи ва мия қобиғи остидаги соҳаларда жойлашган қон томирлари мелин қобиғи кичик жойларининг зарарланиши кўринишида намоён бўлган, лейкоареоз (ЛА) ўрганилган беморларнинг 104 нафарида (80%) аниқланган.

Ушбу тадқиқотга асосланиб, ВД синдроми бўлган кексаларда клинопроба ўтказилганда биз етакчи синдром аломати бўйича гуруҳланган қуйидаги симптоматика аниқланди (5-расм). Шундай қилиб, умуман I-гуруҳда постурал тахикардия (42,5%) ва экстрасистолия (26,2%) бошқа кўрсаткичлардан фарқли равишда устунлик қилди ($p < 0,001$). II гуруҳда ОГ бошқа аломатларга нисбатан аниқ кўпроқ учрайди ($p < 0,001$) (6-расм).




6-расм. Клинопробада кексаларда ВД нинг етакчи синдромлари

Корреляция таҳлилидан фойдаланиб, биз ОГ кўрсаткичлари, Чарлсон коморбидлик индекси (КИ), Скибинская, Руфье индекслари ва Штанге тести, жинс, йиқилиб тушиш хавфи шкаласи, HDRS шкаласи, MMSE ва БЎД кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қайд этдик. Симпатикотониянинг балларда яққол ифодаланиши билан HDRS (хавотир) кўрсаткичларининг ($p = 0,74$;) аниқ ($p < 0,001$) жуда кучли бевосита ўзаро боғлиқлик ва ВДС кўрсаткичи ($p = 0,74$) билан кучли бевосита ўзаро боғлиқлик ($p < 0,001$) қайд этилган (7-расм).



7-расм. ВД синдроми бўлган кексаларда Симпатикотония қийматлари ва баъзи клиник-инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Эркак жинси билан аниқ ($p < 0,001$) кучли бевосита ўзаро боғлиқлик ($p = 0,78$), Скибинская индексининг ($p = 0,69$), Штенге пробасининг ($p = 0,63$) аниқ ($p < 0,05$) кучли бевосита ўзаро боғлиқлиги ва БЎД қийматларининг аниқ ($p < 0,05$) заиф бевосита ўзаро боғлиқлиги ($p < 0,04$) қайд этилди. Ваготония балларининг яққол ифодаланиши ва ВД синдроми кўрсаткичлари ўртасида кучли бевосита ўзаро боғлиқлик ($p = 0,83$), ($p < 0,001$), ЮҚЧ кўрсаткичи билан кучли тесқари бевосита ўзаро боғлиқлик ($p = -0,71$), ($p < 0,001$), аёл жинси билан кучли бевосита ўзаро боғлиқлик ($p = 0,75$), ($p < 0,001$), Скибинская индексининг заиф бевосита ($p = 0,42$), ($p < 0,05$), Руфье пробаси кўрсаткичи билан кучли ўзаро боғлиқлик ($p = 0,70$), ($p < 0,05$), йиқилиб тушиш хавфи шкаласи қийматлари заиф бевосита ўзаро боғлиқлиги ($p = 0,73$), ($p < 0,001$) аниқланди. (8-расм).



8-расм. ВД синдроми бўлган кексаларда Ваготония қийматлари ва клиник-инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Шу тарзда, ваготонияда аёл жинси, йиқилиб тушиш хавфи шкаласи, ортостатик гипотензия, Гамильтон (депрессия) шкаласи ва Штенге (тананинг кислород билан таъминланишини баҳолаш имконини берувчи) тести билан кучли боғлиқлик мавжуд. Симпатикотонияда эркак жинси, Скибинская (нафас

олиш ва юрак-қон томир тизимларининг функционал захираларини акс эттирувчи) индекси ва Гамильтон (хавотир) шкаласи билан кучли бевосита боғлиқлик мавжуд.

Диссертациясининг “Веgetатив дистония синдроми бўлган беморларда БАК- терапия усулининг самарадорлигини ўрганиш” дея номланган бешинчи боби клиник тузилмани ва биологик адаптив коррекцияни (БАК терапиясини) қўллашни ҳисобга олган ҳолда вегетатив дистония синдроми (ВДС) даволашнинг комплекс мезонларини ўз ичига олади.

Даволаш самарадорлигини ўрганиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бири асосий ва таққослаш гуруҳларига бўлинди: I гуруҳ (72 нафар бемор): асосий кичик гуруҳ - 48 (66,6%) ва таққослаш кичик гуруҳи - 24 (33,3%) нафар бемор. II гуруҳ (58 нафар бемор): асосий кичик гуруҳ 37 (63,7%) ва таққослаш кичик гуруҳи 21 (36,2%) нафар бемор. Беморларнинг асосий гуруҳи стандарт терапияга қўшимча сифатида БАК терапиясини олди, таққослаш гуруҳидаги беморлар эса ВДСни даволаш учун фақат стандарт терапия олдилар.

